

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 69-ҳадис

69 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا مَاتَ إِلِّيْسَانٌ انْقَطَعَ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثَةِ: صَدَقَةٌ جَارِيَّةٌ، أَوْ عِلْمٌ يُشْفَعُ بِهِ، أَوْ وَلَدٌ صَالِحٌ يَدْعُو لَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки инсон вафот этса, амали кесилади. Фақат уч нарсадан: жорий садақадан, манфаат оладиган илмдан ёки унинг ҳаққига дуо қиласиган солих фарзанддан кесилмайди», дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Мусулмон киши дунёда яхши из қолдиришга ошиқади. Охиратда манфаат берадиган нарсани дунёда амалга оширади. Масалан, вафотидан кейин ҳам фойдали ишлари давом этиши учун мол-мулкидан садақа улашади. Ёки одамлар ўзаро дарс қилиб манфаат олиши учун фойдали илм қолдириб кетади. Ёки ортидан дуо қилиб туриши учун фарзандини салоҳият ва тақвода ўстиради.

Ҳадисдан ўрганғанларимиз

1. Ўлган кишига вафотидан кейин ҳам юқоридаги уч нарсада савоб етиб туради.
2. Маййитнинг номидан садақа улашилса, унинг савоби етиб туради.
3. Садақай жорияга масжид ёки мадраса қуриш каби күпчилик манфаатланадиган ишларни амалга ошириш киради.
4. Манфаатли илм сирасига эса -илм талабидаги ёшларга таълим бериш, Қуръон ёдлатиш ва мусулмон уммати учун фойдали китоблар нашр қилдириш киради.
5. Солих фарзанд ота ортидан қоладиган мевадир, унинг бу оламдаги қолдирган асари, изидир. Шу сабаб таълим ва тарбияни гўзал қилиш керак, аҳамиятли бўлмоқ лозимки, токи фарзанд солих бўлсин, хайрли эзгу ишларни давом эттирувчи, ота вафот этиб кетгач, ортидан дуо қилгувчи, садақотлар бергувчи инсон бўлсин.

Манба: hadis.islom.uz

